

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашида 845 та бошланғич партия ташкилоти 34 минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган. Айни пайтда вилоят кенгашига 20 нафар, туман ва шаҳар Кенгашига 187 нафар депутат партия-миздан сайланган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия депутатлик гуруҳлари томонидан 9 та долзарб масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари кун тартибига киритилди.

Муносабат

Яқин дўст, ишончли ҳамкор

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда қўлга киритилган бекиёс ютуқларимиз ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Азму шижоатли халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида эгаллаётган янги-янги марралари узоқ ва яқин мамлакатлар, халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Қуни кеча юртимизда давлат таърифи билан бўлган Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизда эришилган ютуқларига берган холис баҳоси буни яна бир бор тасдиқлади. Хитой Халқ Республикаси раҳбарининг мамлакатимизга ташрифи тафсилотларини телевидение орқали кузатар эканман, хитойшунос мутахассис сифатида жаҳоннинг қудратли давлатларидан бири бўлган мамлакат раҳбари Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлида эришган муваффақиятларини самимий эътироф этганидан гурурландим.

Айниқса, мамлакатимиз тараққиётининг омиллари ҳақида тўхталар экан, Хитой раҳбари Президент Ислам Каримовни ўз мамлакатига мустақиллигининг асосчиси бўлган давлат раҳбари, ўз халқи манфаатларини қатъий ҳимоя қила оладиган, узоқни кўрадиган сиёсатчи эканини таъкидлаганида қалбим фахр-ифтихорга тўлди.

Ҳақиқатан ҳам халқимиз Юртбошимиз раҳбарлигида ўз мустақиллигини қўлга киритди. Мустақил ривожланиш йўлидаги оғир синнов ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтди. Бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровонлик давлатимиз раҳбари юритаётган ана шу оқилона сиёсатнинг самарасидир.

Маълумки, ўзбек ва хитой халқларининг дўстлиги тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Қадимий Мовароуннаҳр ва Чин юрти ўртасида Буюк Ипак йўли орқали савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ривожланган. Цивилизация бешикларида бири бўлган юртимиз ўзининг бой маданияти ва маънавий мероси, жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк алломалари билан бугун дунё етакчилигини ўзига тортди.

Мамлакатимизга қадам ранжиди қилган ҳар бир меҳмон Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимизни зиёрат қилишга ошмади.

Хитой раҳбари мамлакатимизга ташрифи доирасида Самарқанд шаҳрида ҳам бўлди. Ушбу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳардаги

Қўрилиб турибдики, ижтимоий-иқтисодий, маданий йўналишларда бўлгани каби таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам янги босқичга кўтарилди.

Соодат НОСИРОВА, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Узоқ шарқ ва Жанубий Осиё факультети декани, филология фанлари номзоди.

КЕЛУСИ СОҢЛАРДА

Маълумки, ЎзХДП тизимида электроташкилотларнинг самарали ҳимоя қилиш мақсадида Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилган. Бугунги кунда мазкур институт аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари ўқитиладиган айрим масалаларни тегишли идора ва ташкилотлар кўмағида ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Газетамизнинг келгуси сонларида Жамоатчилик қабулхоналарининг жорий йил ўтган даври фаолиятига доир таҳлилий мақола берилади.

Қашқадарё вилояти: ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

одамлар ҳаёти, тақдирини ўзгартиришларга намоян бўлмоқда

Галла режаси уддаланган кунлар. Мамлакатимиз раҳбарининг табригида Қашқадарё вилоятининг Косон, Қарши, Яққабот туманлари эътироф этилганлиги барчага қувонч ва ўзгача руҳ бағишлади. Ўша кунларда вилоят кишлок ва сув хўжалиги бошқармасида Шодиёр Хўжаназаров билан учрашдим.

У киши биология фанлари номзоди. 1980-йилларнинг иккинчи ярмида вилоят агросаноат бир-ласси раисининг ўринбосари бўлган. Ҳозир уруғлик пахта инспекция-си раҳбари, халқ депутат-лари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси, вилоят Кенгаши-даги кишлок ва сув хўжа-лиги доимий комиссияси раиси. Олимнинг кабинет-идаги бир сурат эътибор-имни тортди. Унда Юрт-бошимиз дехқонлар билан суҳбатлашиб турган лаҳ-за муҳрланган.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Жиззах вилоят бўлими мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб «Мустақил юртининг фаол аёллари: ижтимоий, ҳуқуқий асослар» мавзусида довра суҳбати ўтказди.

Аёл фаол бўлса

бундан оила ҳам, жамият ҳам манфаат кўради

— Истиқлол юртимиздаги ҳар қайси оила фаровонлиги учун имкониятлар эшигини очиб берди, — деди «Оила» республика илмий-амалий маркази вилоят бўлими раҳбари Фароғат Сатторов. — Тадбирли фаол аёлларимиз бундан фойдаланиб, ўз оиласида соғлом турмуш муҳитини яратяпти. Шу орқали фарзандлар келажагига мустаҳкам замин тайёрлашаёпти. Бугун йигит-қизларимиз оила қуришнинг масъулияти ва мажбуриятларини тўғри англамоқда. Натижада эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ногирон, касалманд фарзандлар туғилиши каби салбий ҳолатлар йил сайин камаймоқда.

Айни пайтда ЎзХДПнинг вилоятимиздаги 15223 та аъзосидан 4953 нафари хотин-қизлар. Маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланган 127 нафар партияимиз вакилларида 24 нафари аёллар. Мавжуд 425 та бошланғич партия ташкилотининг қарийб 20 фоизиди хотин-қизларимиз етакчилиги қилинаёпти. Унлаб фаол аёлларимиз вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитлари яратиш билан боғлиқ хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Давра суҳбатида туман Кенгаши депутати Эргаш Жўрабоев, «Ифбатли келин» ўқув маркази мутахассиси, ЎзХДП фаоли Уйғой Комилова ва бошқалар сўзга чиқиб, «Фаол аёллар» қаноти ишлари янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Жамила ШУКУРАЛИЕВА, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси.

Сўз — ЎзХДП «Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танлови иштирокчиларига!

Партияимизнинг жамиятда янада мустаҳкам ўрин эгаллашига

муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаёпмиз

Аввал хабар қилганимиздек, Тошкентда ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танловининг якуний — республика босқичи бўлиб ўтди. Қатнашчилардан айримларининг танлов ҳақидаги таассуротлари билан қизиқдик.



Умиджон ХОШИМОВ, Тошкент шаҳри, «Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танлови учинчи ўрин соҳибчи.

— Тўғриси, танловга астойдил тайёргарлик кўрдим. Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида қатнашимиз давомида ўзимга ишончим мустаҳкамланди. Интилишларим бесамар кетмади, республика босқичида 3 ўринни эгалладим. Бу мен учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки келажда етук сиёсатчи, де-путат бўлмоқчиман. Танлов орқали мақсадга эришиш учун кўпроқ нималарга аҳамият бериш кераклигини билиб олдим.

Ҳозирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотида жамоат ишларида қатнашаёпман. Партияимизнинг жамиятда янада мустаҳкам ўрин эгаллашига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаёпман. Бунинг учун ёшлар қаноти фаолиятини кучайтиришимиз, тенгдошларимиз муаммоларини кўпроқ ўрганиб, уларга ечим топишга тақдирлар тайёрлаш керак бўлади.



Музаффар ШАНАЕВ, Тошкент вилояти, «Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танлови иккинчи ўрин соҳибчи.

— Олмалик ижтимоий-иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежида та-рих фанидан дарс бераман. Сиёсатга қизиқаман. Тан олиш керак, танловда иштирок этган йигит-қизларнинг аксарияти талаба бўлишига қарамай, анча билимдон экан. Уларнинг дунёқараши кенг, бунга ҳавас қилса арзийди. Мен ўзим дарс бераётган ўқувчиларнинг ҳам шу ёшлар каби билимдон, ижтимоий-сиёсий фаол, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қарайдиган зийрак бўлишини истайман. Шунинг учун улар ўртасида сиёсий-ҳуқуқий билимдонлик бўйича кичик танловлар ўтказишни мақсад қилдим.

Танловда «Жисмоний имконияти чекланган инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос йўли» лойиҳаси билан иштирок этдим. Унинг мақсади хайрия тадбирлари орқали кўзи оғир беморларни даволаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини оширишга имконият яратишдан иборат. Бу лойиҳа гоёси ЎзХДП электроташкилотларига хизмат қилади.

Маълумки, давлатимиз томонидан нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини қонуний ҳимоялаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасида тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шундан келиб чиққан ҳолда, лойиҳада давлат рўйхатидан ўтган, тегишли рухсатномаларга эга хайрия жамағатасини ташкил этиш кўзда тутилган. «ҲАЁТ НУРИ» деб номланиши режалаштирилган мазкур жамағат ўз касаллиги бўйича тиббий муолажага муҳтож фуқароларга ёрдам бериш мақсадида «Сиз меҳрибон-сиз!» шiori остида хайрия акциялари ўтказилади.

Гулрух ОДАШБОВА ёзиб олди.

«ЎЗБЕКISTON O'VOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

одамлар ҳаёти, тақдиридаги
ўзгаришларга намоён бўлмоқда

— Бу сурат саксон еттинчи йили, ғўза кўсак туга бошлаган кезларида олинган, дея изоҳ беради Шодиёр Хўжаназаров ва фикримни ўқиб, гапида давом этади: — Мендан воҳадаги улкан ўзгаришлар ҳақида кўп сўрашади. Курашлар билан ўтган мураккаб даврни шарҳлаш осонми? 1988 йил июнь ойида бўлган вилоят сессиясида Ислам Каримов: Қашқадарё — буюк Ватан ичра яна бир азиз ватанимдир. Қашқадарё дардини юрагимга жуда яқин оламан. Қашқадарёни, унинг одамларини яхши кўраман. Уларни бало-қазолардан асраш учун керак бўлса ўзимни ҳам аямайман, деган эди. Мана, энди гапининг маъини чақинг. Ўшанда жами 143 хўжаликдан 136 таси қарз гирдобига ботган, 60 минг гектар суғориладиган ерни шўр босганди. Кейин улуг ишлар бошланиб кетди. Ўн йиллаб ташлаб қўйилган ариқ, зовурлар қазилди, ер унумдорлиги, уруқчиликка эътибор ошди. Илк бор 31 минг гектар суғориладиган ерга ғалла экилди. Режалар уддаланди...

Ўша йиллардаги бемисл ҳаракатлар ва ўзгаришларни эсламан. Кишлоқ хўжалигидаги илк ислохотлар шу заминда куртак отанлиги рост. Воҳани меҳр ва меҳнат оёққа қўйгани ҳақиқат.

Президентимизнинг фармони ҳамда Давлат дастури асосида Қашқадарё вилоятида кейинги беш йилда мелиорация учун 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Биргина туманлараро «Сечанкўл» коллекторини таъмирлаш учун 10 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Айни пайтда тупроғи шўрланган майдонлар 6-7 минг гектарга тушди. Ислохотлар самараси ўлароқ, 2012 йилнинг ўзида 913 минг тоннага яқин ғалла, 424 минг тоннадан ортиқ пахта, 800 минг тоннага яқин сабзавот, узум, мева етиштирилди. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ривожланиб бораёпти. Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ ва бошқа туманларда интенсив боғлар барпо этилди.

Бу изланишлар, шубҳасиз, ернинг ҳақиқий эгалари бўлган фермерлар фаолиятида ўз аксини топтоқда. Бугунги фермер — кишлоқдаги бунёдкорликлар ташкилотчиси ва ташаббускоридир.

Фузор туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалиги шарбат тайёрлаш цехи ҳамда 1 гектар майдонда замонавий иссиқхона ташкил қилди. Қарши туманидаги «Бахт» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП аъзоси Ибройим Холиёров ташаббус

(Давоми. Боши 1-бетда.)

си билан сутни қайта ишлайдиган цех қурилган бўлса, энди гўшт маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик корхона фаолият кўрсатаёпти. Нишон туманидаги «Саидалиев Муҳриддин» фермер хўжалиги сунъий қопламли мини футбол майдончаси, дўкон, автомобилларга хизмат кўрсатиш тармоғини ишга туширди.



Бугунги кунда Фузор кенглик-ларида 70 дан ортиқ газ ва нефть конлари мавжуд. Юртбошимиз мустақиллиқнинг дастлабки кунларидаёқ, Қўқдумалоқ ва бошқа конларни ишга тушириб, ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш зарурлигини таъкидлаган эди.

«Шўртаннефтьгаз» унитар шўъба корхонаси, «Шўртангаз-кимё» мажмуи — халқимизнинг улуг орузлари рўёби. Дунёга машҳур корхона маҳсулотларини Украина, Қозоғистон, Хитой, Грузия, Эрон, Афғонистон, Туркменистон, Туркия каби давлатларга экспорт қилмоқда. Шу кунгача 1 миллион тоннадан зиёд полиэтилен ишлаб чиқарилди.

— Мен шу юрда туғилганимдан, ўз касбим билан фахрланаман. Оддий меҳнаткаши кадрлагани учун Юртбошимизга минг раҳмат, — дейди Муборак газин қайта ишлаш заводи темирчиси, Ўзбекистон Каҳрамони, ЎзХДП фаоли Қобил Мўминов. — Газин қайта ишлаш корхонасидаги янгиланган бири, ўтган йиллар давомида пропан-бутан ишлаб чиқаришнинг учала навабати ишга тушди. Бу мосламаларнинг қуввати бир йилда 12 миллиард кубометр газни қайта ишлаб, 258 минг тонна суёлтирилган газ, 125 минг тонна конденсат ажратиш имконини беради.

— Мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишида корхонамизнинг ҳам ўз ўрни бор, — дейди Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи бош инженери Рўзмаз Ражабов. — Бугун бу ерда 200 минг тонна маҳсулот тайёрланмоқда.

Хозир корхонанинг иккинчи навбати қуриляпти. Бу йилига 600 минг тонна калийли ўғит тайёрлаш ва унинг катта қисmini экспорт қилиш имконини беради.

Темир йўл ва бу завод туманга катта тараққиёт нафасини олиб келди. Шу жойда 2 та 50 ўринли ётоқхона, меҳмонхона, 150 та намунавий




лойиха асосида уй бунёд этилди. Агробизнес, транспорт, агросаноат касб-хўнар коллежлари билан шартнома асосида ёш кадрлар тайёрланмоқда. Чунки келгусида корхонада 3000 нафар ишчи меҳнат қилади.

Вилоят иқтисодиёт бошқармаси ходими Дилдора Расулова куйидаги маълумотларни тақдим қилади: — Агар 2000 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 241 миллиард сўмини ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 7 триллион 538 миллиард сўмга етди. Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам 94 минг сўмдан 2 миллион 688 минг сўмга кўтарилди.

Қашқадарёда бугун тадбиркорлар турфа юмушларга қўл урмоқда. Косон туманидаги «Бону косметикс» кичик корхонаси ифорили совунлар ишлаб чиқараёпти. Фузордаги «Офарин» корхонаси йодлан-

ди.



ган туз қадоклаёпти. Китоб туманидаги «Севинч» фирмаси 100 миллион сўм маблағ эва-

зига ускуналар олиб келиб, кунгабоқар ёғи тайёрлашни йўлга қўйди. Қамаш туманидаги «Умид» ишлаб чиқариш корхонаси алюмин профилли эшиклар, темир панжаралар тайёрлар эди. Яқинда 300 миллион сўм маблағ сарфлаб, тошни майдалайдиган замонавий «тегирмон» ҳам ишга туширилди.

— Мустақиллик бизга шундай рух бердики, тинмай меҳнат қилгинг, яратгинг келади, — дейди Қарши тумани Қоратепа қишлоғида яшовчи Дилдора Расулова. — Мен ёшлигимдан тикувчиликка қўл урганман. Хозир 15 нафар шогирдим билан сўзана, зардевор, ироқи кашталар тикаяпмиз. Қизим ҳам имтиёзли кредит эвазига тикши машинаси сотиб олди. Маҳсулотларимизни Малайзия давлатига сотгандик. Энди 400 донга тўқилган сўммага Германиядан буюртма тушди. Хуллас, меҳнатим орқасидан фарзандларимни ўқитаяпман, кам бўлмапман...

Дарҳақиқат, воҳада улкан қурилишлар амалга ошди ва давом этмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастури изчил бажарилляпти. Айни пайтда Шахрисабз шаҳри, Яккабоғ, Китоб ва бошқа туманлар марказларида катта бунёдкорликлар олиб бориляпти. Қарши шаҳри марказидаги 20 минг ўринли стадион, истироҳат боғи, Ўзбекистон кўчасидаги кўркам, янги иморатларни томоша қилган киши ўз хайратини яшира олмайди.

Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Эркин Мамадиёров мустақиллик йилларида амалга оширилган қурилишлар ҳақида гапирди. Уларнинг қўламини жуда катта. Санаб адоғига етиб бўлмайди. Воҳадаги 1118 та мактабнинг барчаси замонавий бинога эга. Мавжуд 136 та коллеж ва 7 та академик лицей биноларида ҳамма шароитлар муҳайё. Айни кунларда Қарши

саларида ҳам 25 та жойда қурилиш, таъмирлаш ишлари якунланаяпти. Яна 18 таси тез кунда фойдаланишга топширилади. Бу йил 3 та мусиқа ва санъат мактаби қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Қашқадарёлик спортчилар эришган ғалабалар салмоғи ҳам тобора ошиб бормоқда. Айниқса, вилоятнинг футбол жамоалари, яқка курашлар ус-талари қўлга киритаётган ютуқлар қувончли бўлмоқда. Ўтган йили ноябрь ойида Англиянинг Тормурт шаҳрида кураш бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида Жалолиддин Шерназаров олтин медалга сазовор бўлди. Қаршилик Шахзода Ортиқова каратэ бўйича Осиё чемпионати олтин медали билан тақдирланди. Биргина болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён 143 та замонавий спорт иншооти қурилди. Бу йил ҳам 11 та болалар спорт иншооти қурилиши давом этаёпти. Стадионлар, боссеинлар, спорт заллари ҳақида ҳар қанча ифтихор билан гапирса арзийди. Қарши шаҳрида бадий гимнастика саройи барпо этиш учун 6 миллиард 669 миллион сўм маблағ ажратилган.

— Бугунги давр қурилишлари қўйилган талаблар жуда юқори, — дейди Китоб туманидаги «Воҳа машъали» корхонаси бошлиғи Санжархон Ғаниев. — Корхонамизда барча қурилиш механизмлари бор. Хозирда 70 дан ортиқ курувчи меҳнат қиляпти. Талабни ўйлаб, ўзимиз бўёқ тайёрлайдиган цех қурдик.

Бундай қўлай шароит, кўплаб қурилиш ашёларининг вилоятда тайёрланиши қурилиш ва бунёдкорлик ишларида юксалиш омили бўлмоқда. Қашқадарё вилояти кишлоқларида янги намунавий лойиха асосида қуриляётган уйлар одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширмоқда. 2010-2012 йилларда 2510 та ана шундай уйлар қурилди. Бу йил 24 та массивда 1050 янги уй тикланмоқда.



Қашқадарё қурилишлари ҳақида кўп гапирш мумкин. Мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорликларнинг қисми йўқ. Хорижий ҳамкорлар билан «Шўртангаз-кимё» мажмуи яқинида қуриляётган қиймати 4 миллиард доллардан ортиқ янги қўшма корхона йилига 1,5 миллион тонна синтетик ёқилғи, жумладан, соф дизель ёқилғиси, авиакеросин ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Шунингдек, тезкор поездлар қатнайди «Мароканд — Қарши» темир йўли қурилишида 10 миллиард сўмга яқин маблағ ўзлаштирилди.

Қашқадарё вилоятида олиб бориляётган кенг қўламли ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши, барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ҳам фаол иштирок этмоқда.



...Хона эшигини очиб кирган киши тортинчоқ экан. Умидсизликка тушгани юз-кўзидан билиниб турарди. Санжар Курбонов уни ўтиришга таклиф қилди, чой қўйиб узатди. Таънишиди. Тоғли Жовуз қишлоғида яшовчи ўқитувчи Шухрат Сафаров экан. Унинг 2 ёшли ўғли Муҳаммаджон ҳаракатлана олмас, ота-онасини эса «Боламиз юриб кетадими ёки ногиронлигича қолади-миш?», деган ўй қийнаркан.

— Ўзим отаман, набираларим бор, — дейди ЎзХДП Китоб туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Санжар Курбонов. — Дарров яхши шифокорлар маслаҳатини олдик, улар Тошкентга ташхис қўйишга олиб бормаса бўлмайди, деган хулосага келди. «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими билан боғландик, бир қисм маблағни ҳомиллар берадиган бўлди.

Ўтган йили хусусий тадбиркор Акбар Нурматов биздан ёрдом сўради. Хуллас, 30 миллион сўм кредит олишга кўмаклашдик. Хозир мрамар қуқуни тайёрланишга ускуналарни ўрнатди, ишини бошлаб юборган. Умуман, маҳаллий хомашёдан фойдаланиш ва янги иш ўринлари яратишга кўмаклашдиш Харақат дастуриимизга киритилган.

— Туман кенгашидаги 28 депутатдан 13 нафари партия-миздан сайланган, — дейди ЎзХДП Деҳқонобод туман кенгаши раиси Ашур Норбонов. — Шу йилнинг март ойида халқ депутатлари туман Кенгаши

лаётган Неъмат Жумаевнинг мулоҳазаларида давр руҳи, шу кун талаби сезилиб турибди, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Олим Раваҳанов. — Аввало, партиямиз вилоят кенгаши йиллар давомида чинқиди, ўз хайрихоҳларига эга бўлди. Хозир 845 бошланғич партия ташкилот-ти 33827 аъзони бирлаштириб турибди. Шу йил давомида 560 киши, асосан ёшлар партия-миз сафига келиб қўшилди.

2013 йилнинг ўтган даврида Жамоатчилик қабулхоналарида 316 та мурожаат тушди. Улардан 46 таси иш ҳақи ва пенсия юзасидан, 57 таси ижтимоий масала ва соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича, 23 таси эса банклардан кредит олиш ва бошқа масалалар ҳақида эди. Биз уларни атрофлича ўрганиб, 57 фоиз мурожаатни ижобий ҳал қилишга муваффақ бўлдик. Бошқа мурожаатлар тегишли идора ва ташкилотлар эътиборига ҳавола этилди.

Айни пайтда вилоят кенгашига 20 нафар, маҳаллий кенгашларга 187 нафар депутат партиямиздан сайланган. Партияимизнинг Харақат дастури-ни амалга оширишда уларга таянамиз. Воҳада хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначиликни ривожлантириш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Биз ҳам бунга муносиб ҳисса қўйишга ҳаракат қиляпмиз. Ўтган йили 40 нафар, бу йил эса 50 нафар чеварга имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди. Натижада улар ўз бизнесла-рига эга бўлди, янги иш ўрин-лари очилди.

Шунингдек, ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши кўп масалалар-да ибрат кўрсатмоқда. Халқ де-путатлари Қарши шаҳар Кен-гашидаги 30 нафар депутат-дан 16 таси партиямиз вакил-лари. Ўтган йили депутатлар гуруҳи аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш масаласини сессия муҳокама-сига олиб чиқди. Шу йилнинг май ойидаги сессияда иккита масала — шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш ва шаҳардаги ободончилик ишлари муҳокама қилинди. Сессия қабул қилган қарор на-зоратга олинган. Касби, Косон, Нишон туманларидаги депу-татлик гуруҳларимиз ҳам элек-торат маффаатларига хизмат қиладиган бир қатор масала-ларни кўтариб чиқмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида маҳал-лий Кенгашлар сессиялари кун тартибига депутатларимиз то-монидан 9 та муҳим масала киритилди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят ташкилотлари фаолияти таҳли-ли шуни кўрсатмоқдаки, воҳа-да амалга ошириляётган иж-тимоий-иқтисодий ислохотлар-да, партиямиз аъзолари, де-путатларимиз фаол иштирок этишга интиломоқда.

Бутун мамлакатимизда бўл-гани каби Қашқадарёда ҳам юз бераётган улкан янгиланиш-лар, бунёдкорликлар, изчил та-раққиётнинг бош мақсади ин-сон ва унинг фаровон турму-шига қаратилган. Бунга ўзимиз, яқинларимиз ва ён-атрофи-миздаги инсонлар тақдири, ҳаётида қўриб турибмиз.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати»

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида «Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг III Республика Форуми»ни ўтказди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, 2013 йил ёзги соғломлаштириш мавсуми ташкилотчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Мамлакатимизда бошқа жойларга хос бўлмаган тажриба, яъни болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштиришни таъминлашга давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорликдаги имкониятларини йўналиштириш амалиёти бугун ўзининг ихобий самарасини бермоқда.

Ёзги оромгоҳлар бугунги кунда фақатгина жисмоний соғломлаштириш масканлари сифатида эмас, қолаверса, фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш масканига айланди. Тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган махсус дастурлар асосида оромгоҳларда тарбиявий йўналишлардаги ишлар ва тадбирлар мазмуни тубдан янги-

лашиб, маънавий жиҳатдан бойитилди. Барча болалар соғломлаштириш оромгоҳларида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Касба уюшмалари — болаларга», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати» болалар акциялари ўтказилди. Бундан ташқари, тизимда янги йўналишлардаги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, «Интеллектуал ривожлантириш», «Харбий-спорт» оромгоҳлари билан бир қаторда «Ижтимоий мослашув», «Экологик-биологик», «Ўлкашунослик», «Техник ижодкорлик» йўналишларидаги ҳамда ўсмир ёшдаги болалар учун «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳлари ташкил этилди.

Бу йилги мавсумда республикамиз миқёсида 1058 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, шу жумладан, 268 та стационар туридаги ва 790 та кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Уларда жами 293 минг 866 нафар бола дам олди.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ижтимоий ҳимояталаб, кўп болали оилалар фарзандларини жалб этиш кулами оширилиб, қатор жамоат ташкилотлари билан бир нечта лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, Болалар ижтимоий мослашув Маркази билан ҳамкорликда Касба уюшмалари



ри Федерацияси Кенгашининг «Куёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи негизида жисмоний имконияти чекланган болалар ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари имтиёзли соғломлаштирилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ҳудудларда кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 600 нафар фарзанди қамраб олинди. Ички ишлар вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда «Харбий-спорт» оромгоҳларида Воёга етмаганлар билан ишлаш бўлимида рўйхатида турувчи болалар ҳордиқ чиқариши таъминланди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояталаб оилаларнинг 70 минг нафардан ортиқ фарзандларига имтиёзли йўлланмалар берилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Меҳрибонлик» уйлари ва мактаб-интернати тарбияланувчиларидан 3 минг 900 нафари имтиёзли дам олди. Оролбўйида истиқомат қилувчи 4500 нафар бола Жиззах, Самарқанд, Қашқадарь, Тошкент вилоятлари ва Тош-

кент шаҳридаги энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Форумда Республика бўйича энг яхши деб топишган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, уларда фидойилик билан меҳнат қилган ходимлар, оромгоҳлар фаолиятини намунали ташкил этишда катта ёрдам кўрсатган вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар ва ҳамкорлар Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан тақдирланди. Турли номинациялари бўйича ғолиблар рағбатлантирилди.

— Туманимиз вилоят марказидан 250 километр узоқликда жойлашган, — дейди Навоий вилояти, Томди тумани ҳокими, «Энг жонқуяр ҳоким» номинацияси совриндори Қайрат Алдабергенов. — Худудимиз энг чекка туман бўлишига қарамай болаларнинг имтиёзли таътил да кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши учун оромгоҳни қайтадан таъмирлаб, барча зарур бўлган жиҳозлар билан таъминладик. Мавсумда туманимиздаги 340 нафар бола бу ерда ҳордиқ чиқарди. Мени «Энг жонқуяр ҳоким» номинацияси совриндори сифатида эълон қилишгани-

да оромгоҳдаги болаларнинг шўх-шодон кулгиси, уларнинг беғубор чехраси кўз ўнгимдан ўтди. Болаларнинг қанча эътибор ва меҳр кўрсатсак мевасини келажакда кўраимиз... Ёзда болалар оромгоҳларида бўлган киши Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам бахтиёр болалар мамлакати, эганига икор бўлади.

Ғолибларга болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи дипломи, «Бахтиёр болалар мамлакати» статуткаси ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг қимматбаҳо совгалари топширилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ижтимоий муҳофаза

Хориж

Интернет кўни

нишонланди

Бугун интернет нималигини билмайдиган одамни топиш қийин. Аммо унга қачон асос солингани эса ҳаммининг ҳам эсида туравермайди.

Қисқаси, сентябрь бошида бутундунё ўргимчак тури — интернетга асос солинганининг 44 йиллиги нишонланди.

Шу сана баҳонасида интернетга асос солиниши тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш айтиш мавриди бўлса керак.

Дарҳақиқат, 1969 йил 2 сентябрда интернетнинг аждои — «ARPANET» («Advanced Research Projects Agency Network» — «Истиқболли тадқиқотлар дастури бошқармаси тармоғи»)га асос солинган.

Ушанда Лос-Анжелес шаҳридаги Калифорния университети мутахассиси маъносиз белги-маълумотларни бир компьютердан иккинчисига «ARPANET» дастурий тармоғи орқали юборганди.

Америка Мудофаа вазирлигининг маълум ҳажмдаги ахборот-маълумотлар тўпламини компьютер тармоғи орқали алмашинув гоёси «ARPANET»га асос қилиб олинган. Аммо бу технологияни ривожлантириш дастлаб жуда секин кечган.

«ARPANET»нинг биринчи узели 1970 йилда АҚШнинг шарқий қирғоғида вулудга келган. 1981 йилда эса тармоқдаги бундай узеллар сони 200 тадан ортиб кетди.

1973 йилда тармоққа биринчи хорижий узел — Норвегия ва Буюк Британия компьютерлари уланган. Бу воқеадан Рэй Топлинсон электрон хатлар манзили учун ҳозирги кунда ҳаммага маълум бўлган @ (қисқача «at» — «қучуқча») белгисини қўллаш таклифини илгари сурган ва ўзи биринчи бўлиб шу йўсида электрон мактуб йўллаган.

1974 йили «ARPANET» илк бор «TCP» («Transmission Control Protocol» — «Узатишни бошқариш протоколи») билан «таништирилган».

1983 йилга келиб «IP» («Internet Protocol») ва «TCP» «ARPANET»да маълумотлар алмашинувининг асосий протоколлари бўлиб хизмат қила бошлади ва ҳозирги кунда ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Уша йили яна бир янгиликка қўл урилди — доменлар яратилди. Ҳозирги кунда ҳаммага маълум .com, .gov ва .edu доменлари бир йилдан кейин фойдаланишга топширилган.

1990 йилда британиялик муҳандис Тим Бернерс-Ли томонидан суперузатмали интернет — «World Wide Web» (WWW) кашф этилган. Бугун фойдаланувда бўлган мукаммаллашган интернет эса 1993 йилда яратилган.

Очлик эълон қилганлар

тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолишди

АҚШнинг Калифорния штатидаги қамокхоналарда сақланаётган маҳбуслар ушбу муассасалардаги шароит ва бир кишилик камераларда маҳбусларнинг сақланиш муддатидан норози бўлиб, очлик эълон қилишган эди.



«Los Angeles Times» газетаси маълум қилишича, низоҳат маҳбуслар очликни тўхтатишга қарор қилдилар.

8 июлда бошланган бу норозилик акциясида дастлаб штатдаги кўпгина қамокхоналарда сақланаётган 30 мингга яқин маҳбус қатнашган бўлса, сентябрь бошига келиб уларнинг сони 100 тага тушиб кетди. Очлик эълон қилганларнинг кўпчилиги тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолди. Шу боис август охирида АҚШ суди очлик эълон қилган маҳбусларни мажбурий овқатлантиришга ва тиббий ёрдамдан рад қилаётган маҳбусларга мажбурий тиббий ёрдам кўрсатилишига расмий рухсат берган эди.

Дарвоқе, газета хабарига қараганда, штат маъмурияти норозилик акцияси иштирокчиларига ён босмаган. Лекин шундай бўлса-да, октябрь ойида маҳбуслар қўйган талаб юзасидан эшитув ўтказишларини маълум қилди.

Маълумот учун айтиш жоизки, бугунги кунда Калифорния штатидаги ахлоқ тузатиш муассасаларида 132800 нафар маҳбус сақланмоқда.

Чех аёллари

бошқаларга қараганда...

Халқаро «SC&C» агентлиги 50 ёшдан ошган аёл ва эркекларнинг саломатликлари юзасидан ўтказилган тадқиқот натижаларини эълон қилди. Маълум бўлишича, дейилади «Novinky.cz» сайтида тарқатилган ахборотда, Европа аёллари орасида қўл бақувватлиги борасида чехларга етарлигидан йўқ экан. Қўл бериб қўришганда уларчалик ҳеч ким қўлини маҳкам қисолмайди.

Бу борада улардан кейин немис ҳамда австриялик аёллар туради. Энг юмшоқ қўлилар испан ва француз аёллари экан.

Эркеклар орасида ўтказилган тадқиқотда эса данияликлар кучли қўл соҳиблари эканликларини исботладилар. Чех эркеклари эса бу борада 6-ўриндадир. Испан эркеклари қўл бериб қўришганда умуман қўлини қисмас экан. Айнан шу сифати билан улар охириги ўринни ишғол қилдилар.

Бандлик дастури — амалда

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Тошкент вилоятида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастури доирасида жорий йилнинг ўтган саккиз ойида 60 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

— Ташкил этилган иш ўринларининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобига тўғри келади, — дейди **Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари С.Бобоқулов.** — Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш натижасида беш мингдан зиёд фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Жорий йил фаолият бошлаган Чирчиқ шаҳридаги «Капитал КЗ» масъулияти чекланган жамиятида юздан зиёд иш ўрни яратилди. Маскур корхонага ишга қабул қилинганларнинг аксарияти шу йил касб-хунар коллежларини битирган йигит-қизлардир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 12 июлда қабул қилинган «2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Юқори Чирчиқ туманида ташкил этилган «Голд паритет» масъулияти чекланган жамиятида ўттизга яқин иш ўрни очилди.

Бундай мисолларни вилоятнинг бошқа туманларидан ҳам келтириш мумкин. Жойларда бу каби янги ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш объектларининг ишга туширилаётгани, мавжудлари фаолияти кенгайтирилаётгани, паррандчилик, чорвачи-

лик, балиқчилик, асаларилик каби соҳаларнинг ривожланиб бораётгани кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

Вилоятда фуқароларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича ўқитиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида 221 нафар фуқаро Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги ўқув марказларида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, телефон устаси, операторлик, дастурчилик, дизайн, компьютер ва офис жиҳозлари таъмирловчиси каби йўналишлар бўйича бепул ўқитилган. Айни пайтда уларнинг қарийб барчаси ўқув марказларида эгаллаган касби бўйича корхона ва ташкилотларда меҳнат қилмоқда.

Маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли қарорлари билан квоталанган иш ўринларига меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар жойлаштирилмоқда. Жорий йил вилоятда ўн мингдан зиёд шундай иш ўрни захираланган бўлиб, шу кунгача уларга 5 минг 249 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қабул қилинди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётди. Вилоятда 2013 йилнинг ўтган саккиз ойида туман ва шаҳар ҳокимликлари, прокуратура ҳамда бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳамкорлигида етмишга яқин ярмарка ташкил этилган. Уч мингдан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса ўзларининг мавжуд бўлиш ўринлари билан қатнашган ушбу тадбирларда иштирок этган фуқароларнинг қарийб 5 минг нафарига ишга кириш учун йўлланма, қолган қисмига тегишли тартибда маслаҳатлар берилди.

Ўқитишнинг муҳим шарти бўлган бандлик масаласи, вилоятда бу борада эришилаётган натижалар унинг туман, шаҳар ва қишлоқларида соҳалар ривожини йўлга қўйишда алоҳида таъминланган ишларда, аҳоли турмуш фаровонлиги муттасил юксалиб бораётганида аққол намоён бўлмоқда.

(ЎЗА)

Тадбир

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан «Мустақиллик йилларида йўлсозлик ва кўприкسозлик қурилиши борасида эришилган ютуқлар, орттирилган тажриба, янгилик ва муаммолар» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

Равон йўллар тараққиётга элтади



Тадбирда компания бошқаруви раисининг ўринбосари Шухрат Назаров Президентимизнинг 2009 йил 22 апрелдаги «2009-2014 йилларда Ўзбек миллий автомагистраллини реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш борасида мақсадли давлат Дастурлар изчиллик билан ҳаётига жорий қилинаётганини таъкидлади. Маълумки, ўтган 22 йил мобайнида халқаро ва республика аҳамиятидаги 3722 километрдан ортиқ автомобиль йўллари қайта қурилди. Шу билан бирга жами узунлиги 2755 километр миллий автомагистрал таркибига кирувчи 238 километр автомобиль йўллари тўрт тасмали йўللарга ўтказилди.

Жумладан, 1991 йилга нисбатан цементбетон қопламали йўللarning узунлиги 157 километрга, асфальтбетон қопламали йўللар 1122 километрга, қора қопламали йўللар 537 километрга қўпайган бўлса, тош-шағал қопламали йўللар эса

1902 километрга қисқарилишига эришилган. Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунга қадар умумий узунлиги 6645 погонметрдан иборат 175 та кўприк, 3938 погонметрни ташкил этувчи 19 та йўл ўтказгич ва транспорт ечимлари қурилди ва таъмирдан чиқарилди.

2011-2015 йилларда 2306 километр автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Жумладан, Бейнов-Қўнғирот-Бухоро-Навоий-Самарқанд-Тошкент-Андижон йўналишида минг километрдан зиёд автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш, Урганч-Чолиш йўлининг Амударё устидан ўтган қисмида кўприк, Олмаота-Бишкек-Тошкент-Термиз йўналишида тўрт тасмали йўл қуриш, Қамчик ва Резак тоннелларининг ёритиш, вентиляция ва ўт ўчириш тизимларини модернизациялаш кўзда тутилган. Жорий йилда эса 526 километр йўлларда реконструкция қилиш ишлари бажарилмоқда.

Тадбирда компаниянинг масъул ходимлари мавзу юзасидан журналдаги кўриқтирган саволларга атрафлича жавоб беришди.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ)

